*Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4 йиллиги олдидан*

# ҚОМУСНОМАДА КАФОЛАТЛАНГАН

**37-модда.**

***Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир.***



**38-модда.**

***... Барча фуқаролар дам олиш ҳуқуқига эгадирлар...***



**40-модда.**

***Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга.***



**41-модда.**

***Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга...***



*Хусусийлаштириш*

# ХИФ АКЦИЯЛАРИ — ДАРОМАД МАНБАИ

***ХИФлар дастури матбуот марказининг хабар беришича Ўзбекистоннинг фонд бозори қимматли қоғозларнинг яна бир тури Хусусийлаштириш Инвестиция Фондларининг (ХИФлар) акциялари билан бойиди.***

Маълумки, ХИФлар хусусийлаштириш миқёсларини янада кенгайтириш, бу жараёнга аҳолининг янада кўпроқ қатламларини жалб этиш, шу билан мамлакатларимизда мулкдорлар синфини шакллантиришга кўмаклашиш мақсадида ташкил этилган.

Ҳозир қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказида 10та ХИФ ҳамда 29 та бошқарувчи компания рўйхатдан ўтиб, фаолият учун рухсатнома (лицензия) олган. Демак, ХИФлар танлаб олиши мумкин бўлган йўл бор эди, улар бу йўлни ҳам танлаб олди. Инвестиция ташкилотлари бирбири билан ўзаро шартнома тузган бўлиб, бошқарувчи компаниялар ана шу шартномаларга мувофиқ тарзда ХИФларнинг бойлигини бошқариш, уларнинг акцияларини тарқатишга киришган.

«Камалак» ХИФи (Андижон шаҳри) акцияларини унинг «Сарбон-Инвест» деб аталган бошқарувчи компанияси республикада биринчи бўлиб сотишга киришди. Акцияларни тарқатиш турли йўллар билан: фонд дўконлари, брокерлик идоралари, Халқ банки бўлимлари ёки қимматли қоғозлар билан операция қилишга рухсатномаси бўлган бошқа банклар орқали амалга оширилмоқда.

Ҳозир ўз-ўзини бошқариш маҳаллий органлари бир пайтнинг ўзида аҳоли ўртасида маърифий ишларни ҳам олиб бориш, ХИФлар давлат дастурининг моҳияти ва аҳамиятини тушунтириши учун акцияларни маҳалла кенгашлари орқали сотиш имкониятлари масаласи ишлаб чиқилмоқда.

Газетхонларга шуни эслатиб қўйишимиз лозимки, республикамизнинг ҳар бир фуқароси битта ХИФнинг 100 та акциясини сотиб ола олади. Фарзандингиз номига ҳам акция сотиб олишингиз мумкин. Агар сиз бундан ҳам кўпроқ акция сотиб олмоқчи бўлсангиз, бошқа ХИФлар хизматингизга тайёр. Уларнинг ҳар бирининг бошқарувчи компанияси сизга 100 тагача акция сотади.

Акцияларни сотиб олганингиздан кейин фонд дўкони ёки бошқа инвестиция ташкилоти бир неча кун ичида сизга сертификат беради. Унда ўзингиз ҳақингиздаги зарур маълумотлар, сотиб олган акциянгиз миқдори, улар учун тўланган пул, шунингдек, сизнинг акцияларингиз сақланадиган ҳамда уларнинг ҳаракати ҳисоби олиб бориладиган Миллий депозитарийдаги депо ҳисоби рақами акс этган бўлади.

«Камалак» ХИФи бошқарувчи компанияси акцияларни йирик миқдорда сотиш ниятида. Бундан тушган пул унга мамлакатимизнинг энг яхши корхоналари акцияларини катта миқдорда сотиб олиш имконини беради. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси ХИФлар учун хусусийлаштирилган корхоналарнинг (ҳозирги акционерлик жамиятлари) акциялари сифатида етти йил муддат билан ўзининг номинал нархида (гарчи ҳозир уларнинг бозор нархи анча баланд) махсус имтиёзли кредитлар ажратган.

Шу тариқа ХИФлар ва уларнинг акциядорлари дивиденд олиш учун муайян имкониятларга эга. Бироқ бу бошқарувчи компанияларнинг профессионаллиги, хусусийлаштирилган корхоналарнинг самарали ишлаши, акциядорлар, инвестиция ташкилотларининг фаоллиги сингари кўпгина омилларга ҳам боғлиқ.

«Камалак»дан сўнг «Фойкон» ХИФи ҳам ўз акцияларини сотувчиларга таклиф қилди. Унинг «Сармолия» деб аталган бошқарувчи компанияси бу мақсадда хусусий фонд магазинини очди. Бироздан сўнг у бу ишга бошқа инвестиция ташкилотларини ҳам жалб этади. Шуни қайд этиш муҳимки, бошқарувчи компаниялар ХИФларнинг акцияларини имкон борича кўпроқ сотишдан манфаатдор. Чунки бундан тушган йирик маблағлар турли-туман корхоналарнинг қимматли қоғозларини сотиб олиш имконини беради. Бу ўринда ҳисоб-китоб жуда оддий: яъни корхоналарнинг айримлари ёмон ишлаб, фойда олмаса, самарали ишлаётган бошқа корхоналар ҳисобидан нафақат зарарни қоплаш, ҳатто даромад ҳам олиш, бинобарин, акциядорлар ҳисобига дивиденд ўтказиш мумкин бўлади. Демак, аҳоли ХИФларнинг акцияларини қанча тез сотиб олса, уларнинг бошқарувчи компаниялари шу қадар тезлик билан корхоналарнинг акцияларини сотиб олади.

Шунинг учун ҳам ҳозир бошқарувчи компаниялар мамлакатимизнинг энг яхши корхоналари акциялари сотиладиган биринчи кимошди савдосига фаол тайёргарлик кўрмоқда. Ҳукумат ҳар ойда ўтказилиши мўлжалланаётган бундай кимошди савдолари учун барқарор ва самарали ишлаб турган 300 та акционерлик жамиятини танлаб олган.

Ҳозир бошқарувчи компаниялар тер тўкиб таҳлилий иш олиб бормоқда, корхоналардаги аҳволни диққат билан ўрганмоқда, уларнинг молиявий ҳолати ҳамда инвестицион сиёсатини жиддий кузатмоқда. Зарур маълумотларга эга бўлганидан сўнг улар қайси акционерлик жамиятининг акциясини сотиб олиш фойдалироқ эканини билиб, ўша акционерлик жамиятининг акцияларини сотиб олади.

Ҳозирги долзарб вазифа эса ХИФларнинг акцияларини сотиш, кейинги операциялар учун капитални кўпайтиришдан иборат. Булардан кутилган пировард мақсад эса акциядорлар манфаатларини қондиришдир.

*Гулзода МАМБЕТОВА.*

*Суғурталаш*

# ЖАМҒАРМА ВОСИТАСИ ҲАМ

***Аҳолининг ҳаётини суғурта қилиш муҳим масала ҳисобланиб, у фақат тан жароҳати олганда маълум суғурта пулини тўлашдангина иборат бўлиб қолмай, фуқаролар учун муҳим жамғарма воситаси ҳам ҳисобланади. Бизнинг Давлат суғурта бош бошқармасининг шахсий суғурталаш бўлими бошлиғи Герман Зецер билан суҳбатимиз ҳам суғуртанинг ҳаётимизда тутган ўрни хусусида бўлди.***

**— Герман Борисович, суғуртанинг моҳияти ва унинг жамият ривожланишида тутган ўрни тўғрисида тўхталиб ўтсангиз.**

— Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда суғурта фаолиятига катта аҳамият берилмоқда. Фуқароларнинг, корхона ва ташкилотлар мол-мулкини, юкларни, қурилиш объектларини, деҳқон ва фермер хўжаликларида мавжуд воситалар ва чорва молларини ҳар хил офатлардан молиявий ҳимоя қилиш суғурта ташкилотларининг вазифасига киради.

Кенг кўламда ўтказилаётган давлат мулкини хусусийлаштириш, кичик ва қўшма корхоналарнинг ташкил этилиши натижасида мулк эгалари бўлган юридик ва жисмоний шахслар суғурта хизматидан фойдаланишларини даврнинг ўзи тақозо қилмоқда. Суғурта ташкилотлари маълум бадаллар тушуми асосида ҳар хил фондлар ташкил этадилар ва табиий офат, бахтсиз ҳодиса натижасида кўрилган зарарни қоплаш орқали ишлаб чиқаришнинг узлуксизлигини таъминлашда, аҳолини эса ижтимоий ҳимоялашда қатнашадилар.

**— Айтингчи, суғурталанувчилар пенсия ёшига тўлганларидан сўнг қўшимча пенсияни суғурта қилиш учун қандай ишлар амалга оширилади?**

— Аввало суғурта шартномаларини давлат суғурта ташкилотлари Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган фуқаролар билан тузадилар.

Суғурта шартномаларини 25 дан 60 ёшгача бўлган эркаклар ва 20 дан 55 ёшгача бўлган аёллар фақат ўз фойдаларига тузишлари мумкин. Шартномалар суғурталанувчининг белгиланган шаклдаги ёзма аризаси асосида тузилади. Аризада у қўшимча пенсияни олиш ҳуқуқи бошлангунга қадар ўзи вафот этган тақдирда суғурта пули тўланиши лозим бўлган шахсни кўрсатиши лозим.

Суғурта муддати тугагач, агар суғурта шартномаси бўйича ҳамма бадаллар тўланган бўлса, суғурталанувчи пенсия ёшига тўлгандан сўнг унга умрининг охиригача қўшимча пенсия тўланади.

**— Қўшимча пенсиянинг миқдорини белгилаш қоидалари қандай?**

— Суғурта муддати тугагач, суғурталанувчи суғурта муддати тамом бўлган пайтда Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам пенсия миқдорида қўшимча пенсия олади.

Агар суғурталанувчи хоҳласа, суғурта муддати давомида бир нечта шартнома тузиши мумкин.

**— Суғурта бадаллари ва уларни тўлаш қандай тартибда олиб борилади?**

— Бадаллар суғурталанувчининг ёшига, суғурта муддатига ва қўшимча пенсиянинг миқдорига қараб белгиланади. Суғурталанувчи биринчи бадални ўзининг суғурта ҳақидаги аризасида кўрсатилган ойдан тўлаши шарт. Агар суғурталанувчи навбатдаги уч ой учун бадалларни тўлашмаса, суғурта шартномаси бекор қилинган деб ҳисобланади ва тўланган бадаллар суғурта ташкилотининг харажатлари учун 15 фоизи чегириб қолган ҳолда қайтариб берилади. Агарда, суғурта муддати тугаган бўлса-ю, аммо бадаллар тўлиқ тўланган бўлмаса, у ҳолда қўшимча пенсия то қарзнинг ҳаммаси узилгунга қадар қарзни ойма-ой ушлаб қолган ҳолда тўланади. Суғурта бадаллари нақд пул билан ҳам, пул ўтказиш йўли билан бир йўла ёки ҳар ойда тўланиши мумкин.

Суғурталанувчи иш жойини ёки доимий яшаш жойини ўзгартирганда, у бадаллар тўлашни давом эттириши учун янги иш жойи (янги яшаш жойи) жойлашган туманнинг давлат суғурта муассасасига бир ой муддат ичида мурожаат этиши зарур. Суғурталанувчи биринчи бадални тўлаганидан кейин унга суғурта шартномаси чўзилганлигини тасдиқловчи суғурта гувоҳномаси топширилади.

**— Суғурта муддати тугамасдан суғурталанувчи тўлаган бадалларини қайтариб олиши мумкинми?**

— Суғурталанувчи суғурта муддати тугамасдан истаган вақтда, охирги бадални олган давлат суғурта муассасасига ёзма ариза бериб, кучда бўлган суғурта шартномасини бекор қилишга ва тўлаган бадалларини қайтариб олишга ҳақлидир. Бу ҳолда қайтариладиган бадаллардан суғурта ташкилотининг 15 фоиз миқдоридаги харажатлари ушлаб қолинади. Суғурталанувчи пенсия олиши ҳуқуқи бошланмасдан олдин ва бошлангандан кейин вафот этган тақдирда ҳаёт юрган турмуш ўртоғига (у йўқ бўлганда — меросхўрларига) тўланган ҳамма бадаллар қайтарилади ҳамда ушбу ҳодиса юз берган пайтда Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган энг кам пенсиянинг бир йиллик миқдорида қўшимча пул тўланади.

**— Пенсия олаётган суғурталанувчи яшаш жойини ўзгартирса қаерга мурожаат қилиши керак?**

— Мабодо пенсия олаётган суғурталанувчи яшаш жойини Ўзбекистон Республикаси чегарасида ўзгартирса, янги яшаш жойидаги давлат суғурта муассасасига ўзининг пенсия билан боғлиқ ҳужжатлари йиғма жилдини сўраб олиш ҳақида ёзма ариза билан мурожаат қилиши лозим.

**— Суғурта шартномасидан келиб чиқувчи талабларни тақдим этиш ва низоларни кўриб чиқиш тартиби қандай амалга оширилади?**

— Суғурта шартномасидан келиб чиқадиган талаблар суғурта шартномаси бекор қилинган, суғурталанувчининг қўшимча пенсия олиш ҳуқуқи бошланган ёки суғурталанувчи вафот этган кундан бошлаб 3 йил мобайнида тақдим этилиши мумкин.

Суғурта шартномаси билан боғлиқ низолар қонунда белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

*Суҳбатни Маъмура РЎЗИЕВА ёзиб олди.*

*Устозлар*

# 53 ЙИЛЛИК МЕҲНАТ

***Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси давлат ҳиссадорлик жамиятида аксарият ёшлар қатори кўпни кўрган, етук мутахассислар, устозлар меҳнат қилишади. Уларнинг кўпчилиги ярим асрлик умрларини мана шу корхонага бахшида этишган. Илғор кекса ишчилар рўйхатини кўздан кечирган вақтимизда бизнинг эътиборимизни Маҳмудхўжа Юсупхўжаев жалб этди. Бу отахон корхонада мана 53 йилдан буён меҳнат қилар экан. Шундай катта ва кўпминг кишилик жамоа орасида уларни топишимиз қийин бўлмади. Чунки отахонни кимдир «Устозим» деб атаса, яна кимдир «Бизнинг отамиз» дея ардоқлашаркан.***

***Маҳмудхўжа акадан ўтган эллик уч йиллик меҳнат фаолиятлари ҳақида гапириб беришларини сўраганимизда, улар бироз хаёлга чўмдилар...***

Ўша вақтда ўн тўрт ёшли ўспирин йигит эдим, — дея сўз бошлади Маҳмудхўжа ака. — Яъни 1943 йил. Бу даврнинг қандай оғир эканлигини айтмасам ҳам бўлади. Ота-онам аввалига заводда ишлашимга қарши бўлганлар, лекин оилани боқиш, тирикчилик учун кимдир қимиллаб туриши керак-ку, деган фикрларимни тўғри тушунишиб, ишларимга ривож тилаб, оқ фотиҳа беришди. Устозим Ҳамидулла Убайдуллаевнинг қўлида силлиқловчиликни ўргана бошладим. Ўша вақтда ҳам уч ойлик синов муддати бўларди. Шуни муваффақиятли ўтаган ишчига мустақил иш бошлашига рухсат бериларди. Синов муддати тугаб, устозим ёрдамида бу касбнинг барча сир-асрорларини ўргана бошладим. Уч йилдан сўнг 6-даражали токарь бўлиб етишиб чиқдим. Ва шу соҳада ўн беш йил ишладим. Гоҳо битта касб билан чегараланиб қолиш менга хос иш эмас деб ўйлаб юриб, чархчиликни ҳам ўргандим. Бу касбда 12 йил ишладим. Тайёрланаётган маҳсулотларнинг кўпроқ қисми оловда қиздирилиб, сўнг ишловга узатиларди. Негадир олов цехида иш сустлашаётгандай туюлаверди. Назаримда шу ерга мен етишмаётган бўлсам керак, деб темирчиликни ҳам ўрганиб олдим. Темирчи бўлиб 15 йил ишладим. Сўнгра умр ўтаётганлиги, мана шу ишларимни ёшларга ўргатиш лозимлигини эътиборга олиб, шогирдлар тайёрлашга киришдим. 14 та шогирд тайёрлаб бўлгач, металлни арраловчи-тайёрловчилик ҳунарини ўргандим ва саккиз йил ишлашга муваффақ бўлдим. 1986 йилдан пенсияга чиқдим. Аммо корхонадан ажралиб қолганим йўқ. Ҳозир ҳам менга муносиб ишларни топиб беришади. Мана бу йил корхонамиз тарихида мисли кўрилмаган даражада янгилик ва ўзгаришлар юз берди. Бозор иқтисодиёти шароитида анча тақчилликларга дуч келдик. Лекин имкониятга қараб ишлаб чиқариш тўхтатилмади. Ишчиларга бериладиган ойлик маошлари узилиб қолгани йўқ. Кўп миллатли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг донғи янада жаҳонга машҳур бўлди. Энг аввало бирлашмамизнинг давлат ҳиссадорлик жамиятига айланиши кўплар қатори биз пенсионерларни ҳам мамнун этди. Ҳар бир пенсионерга ишлаган иш вақтига қараб корхона томонидан чиқарилган акциялардан имтиёзли равишда тарқатишди. Менга ҳам 17 та акцияни бепул беришди. Шунга қўшимча яна 6 та акцияни ўзим сотиб олдим. Ишлаб чиқаришда ўтган йилга нисбатан анчагина ўзгариш бор. Яқин кунларда олган акцияларимиз учун дивидендлар ҳам олишни мўлжалламоқдамиз. Янгича иш усулида иш бошланганлиги кўпчиликка манзур бўлаётганлигини бугунги кунда эришаётган ютуқларимиздан ҳам билсак бўлади. Узоққа бормайину яқингинада янги самолётимиз қанот ёзиб, бош корхона ҳудудида синовдан ўтказилди. Бундай шодиёнадан фахрланмай бўладими, ахир. Чунки унинг замирида шу корхонада меҳнат қилаётган барча-барчанинг ҳиссаси бор-да.

**— Маҳмудхўжа ака, ҳозир пенсионер бўлсангиз, кўп вақтингиз уйда ўтар экан-да.**

— Йўқ, қизим, уйда ўтиролмайман. Юнусобод даҳасидаги «Боғи шамол» маҳалласида ҳам иш топиб олганман. Маҳалла оқсоқоли Абдувоҳид Абдумаликов билан амалга ошириладиган ишларимиз жуда кўп. Бундан ташқари 17 неварам, 2 та эварам бор. Улар билан ҳам «салом-алик» қилиб турмасам, кўнглим ўрнига тушмайди. Кампирим бандаликни бажо келтиргандан сўнг, гоҳ ишхонага, гоҳ маҳаллага, гоҳ болаларимнинг уйларига бориб хабар оламан. Шаҳримиздаги бўлаётган ўзгаришларни томоша қиламан. Имкониятимга қараб қадамжоларни бориб зиёрат ҳам қилиб келаман. Нима бўлганда ҳам кўпроқ вақтимни яна иш жойимда ўтказишга одатланганман. Мана яқинда корхонамиз касаба уюшмаси томонидан ажратилган имтиёзли йўлланма билан корхонага қарашли «Кристалл» дам олиш масканида бўлиб қайтдим. Шундай улуғвор юртимиз фахри бўла олган масканда меҳнат қилганимдан ва қилаётганимдан фахрланаман. Агарда давр тақозоси билан «Яна ёш йигит бўлиб қолсангиз, қаерда ишлаган бўлардингиз» деб сўрагудек бўлсалар, «Яна Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси давлат ҳиссадорлик жамиятида ишлайман» деб жавоб берган бўлар эдим. Мен шундай корхонанинг оддий ишчиси бўлганимдан фахрланаман.

*Гулзода АБДУЛЛА қизи.*

*Мавзуга қайтиб*

# ҚАЙДАСАН, «ОТЧОПАР»?

Айтингчи, «Отчопар» бозорига йўлингиз тушганми? Ҳа, дейсизми, унда қандай бориб келганингизни айтиб бера оласизми? «Ҳа, энди йўл азоби гўр азоби-да», дейсизми, эй ўлманг!

Энди мендан ҳам эшитинг... Кунлардан бирида «Маликаи дилозор хархаша қилиб қолдилар: «Қиличини қайраб қиш келяпти. Болаларнинг эгнини бутлаш керак. Сиз ҳам эр бўлиб бундоқ бозорлашиб келсангиз, асакангиз кетадими?»

Хуллас «Отчопар» бозори қайдасан, деб йўлга тушдик. Шу метро деганлари кўп яхши-да! Бир зумда Собир Раҳимов бекатига етказиб қўйди.

Томошанинг каттаси метродан чиқаверишда бошланди. Бекат атрофи автобусу турли русумли машиналарга тўлиб кетган. Юқорига чиқишингиз билан атрофингизни беш ёки олтита забардаст йигитчалар ўраб олиб, Худоёрхон замонидаги жарчилар каби бараварига ҳайқиришади: «Ака, «От-чо-пар»га борасизми?» «От-чо-пар» Ўн сўм, олти сўмдан «От-чопар!».

Биласизми, каминанинг шовқин-суронга асло тоб-тоқати йўқ. ҳалиги азамат йигитлар эса жар солиб, худди сизни ўз елкасига ортмоқлаб олиб борадигандек ҳали у машина, ҳали бу автобус томон тортқилай бошлайди...

Ҳай, «Кўча тўла минг киши, ким билан кимнинг иши бор», деганларидек, бир амаллаб бирорта автобусга ҳам чиқиб олдингиз. Энди машмашанинг яна каттароғига дуч келасиз. «Жарчи»лардан биттаси ҳар кимдан олти ёки ўн сўмдан пул йиға бошлайди. «Ака, карточкангиз бу ерга ўтмайди. Бу собственний автобус, пулдан чиқаринг, пулдан!». «Қандай тушунмаган ғалчасиз хола, пулини тўланг-да, ахир!».

«Сабабдан-сабаб, балчиқдан иморат», дейишган экан машойиҳлар. Ҳеч қанча вақт ўтмай, бозорга ҳам етиб олдингиз. Эй, нимасини айтасиз. Бозор ўз йўлига экану транспорт ўз йўлига экан-да.

Тағинам ўша ҳар куни бозорга борадиганларга тўзим тилагингиз келади. Яна шайтонга хай бериб, минг бор мулоҳазага бориб, тирикчилик тошдан қаттиқ, шу бечора «жарчи», «патта олувчи», «ундовчи» яна қандай ному аъмоли бор, уларнинг. Шуларга ҳам қийин-да, ҳар бирининг бир этакдан болалари бўлса, тоғни урса талқон қила оладиган бу паҳлавонлар жар солиб, сизни автобусларга судраб чиқармаса, бозорга бориш йўлини тополмай, сарсону саргардон бўлиб қоласиз-да, оғайни, деворгинг келади.

Ўзига қолса бу «жарчи»лар бирор ерда муқим ишламай «Отчопар»да, Эски шаҳарда, Қўйлиқда, Сирғалида, борингки, метро бекатларида ҳамманинг асабини эговлаб, еру кўкка жар солиб, юришармиди.

«Эндигина елкамизга офтоб тегиб, биримиз икки бўлаётувди. Тирикчиликнинг айби йўқ-ку!» деди «жарчи»лардан бири ялингансимон.

Майли, оғайни, тирикчилигингни қилавер, аммо ҳамма ёққа жар солиб одамларнинг асабига тегиш шартми? дейдиганлар ҳали-бери топилмайди, чоғи.

Ушбу сатрлар муаллифи яқинда «Вадабанг» сарлавҳали мақола ёзиб («Тошкент оқшоми», 1996 йил 23 октябрь) «Сайилгоҳ» кўчасидаги шовқин-сурон хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этган эди. Аммо «Сайилгоҳ» кўчасидаги шовқин-сурон асло босилай демаяпти. Ахир бундай бақир-чақирларга қарши бирон чора борми деган савол билан каминанинг боши ғовлаб ётибди.

Ана шуниси алам қиладида!

*Шавкат ТУРОБ.*

